

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ИЖТИМОЙ- ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8085229>

Шукуров Ё.А.

Абдулла Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти мустақил тадқиқотчиси

Аннотация

Мақолада умумтаълим мактабларида шахсга йўналтирилган таълим жараёнларини ташкил этишнинг аҳамияти, ўзига хос хусусиятлари, функционал вазифалари ёритилган. Шахсга йўналтирилган таълим жараёнларини бошқаришнинг ижтимоий-психологик жиҳатларини таҳлил қилиш асосида таълим сифатини оширишда ҳамда таълим самарадорлигига эришишда шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг ўрни ва аҳамияти очиб берилган.

Калит сўзлар

таълим сифати, таълим технологияси, шахсга йўналтирилган технологиялар, педагогик технология, педагогик фаолият, таълим, таълим берувчи, таълим олувчи.

УПРАВЛЕНИЕ ПЕРСОНАЛИЗИРОВАННЫМИ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫМИ ПРОЦЕССАМИ В СРЕДНЕЙ ШКОЛЕ СОЦИАЛЬНО- ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ

Аннотация

В статье выделены значение, особенности и функциональные задачи организации личностно-ориентированного воспитательного процесса в общеобразовательной школе. На основе анализа социально-психологических аспектов управления личностно-ориентированными образовательными процессами раскрывается роль и значение личностно-ориентированных образовательных технологий в повышении качества образования и достижении образовательной эффективности.

Ключевые слова

качество образования, образовательная технология, лично-ориентированные технологии, педагогическая технология, педагогическая деятельность, образование, преподаватель, ученик.

MANAGING PERSONALIZED EDUCATIONAL PROCESSES IN SECONDARY SCHOOLS SOCIAL-PSYCHOLOGICAL ASPECTS

Abstract

The article highlights the importance, specific features, and functional tasks of organizing individual-oriented educational processes in general education schools. Based on the analysis of socio-psychological aspects of the management of individual-oriented educational processes, the role and importance of individual-oriented educational technologies in improving the quality of education and achieving educational efficiency is revealed.

Keywords

education quality, educational technology, student-centered technologies, pedagogical technology, pedagogical activity, education, student, teacher.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинган кейин ўтган вақт ичида таълим тизимини қайта қуриш ҳамда таълим жараёнида илғор ахборот технологияларидан самарали фойдаланишга имкон берувчи зарур шарт-шароитлар яратилди. Яъни, ҳар бир таълим олувчининг билимларни суғулаштирувчи субъект бўлиши инкор этилиб, у мустақил таълим олиш, ўзлаштирган билимларини амалиётда фаол қўллаш, шунингдек, ташкил этаётган фаолиятида муваффақиятларга эришиш чоратадбирларини белгилашда мустақил фикрлаш имкониятига эга бўлишига эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, шахсга йўналтирилган таълим таълим олувчиларни ҳамкорликда ишлаш, уларда коммуникатив қобилиятни ривожлантириш, уларнинг маълум бир муаммо юзасидан нафақат ўзи яшаётган минтақа, шу билан бирга бошқа мамлакатларнинг ёшлари билан ўзаро фикр алмашишлари, ҳал этилаётган масала юзасидан шахсий фикрларни илгари суриш, уларни далиллар асосида асосли баён этишларига эришиш, ана шу мақсадда ахборот технологияларида мавжуд бўлган маълумотлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари учун шароит яратиши лозим.

Бу каби масалаларни ҳал этишда умумтаълим муассасаларигина эмас, балки республика узлуксиз таълим тизимида фаолият олиб бораётган таълим муассасаларининг барчаси бирдек фаоллик кўрсатишлари талаб этилади. Ана шундагина таълим олишни такомиллаштириш борасидаги ижтимоий эҳтиёжни қондириш имконияти юзага келади. Бу ўринда янги ахборот ва илғор педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шахс ижтимоий муҳитдан узилган ҳолда мавжуд бўла олмайди. Бунинг мисоли сифатида Р.Киплинг томонидан яратилган асардаги Мауглини келтириш мумкин. Гарчи, инсон боласи бўлсада, ижтимоий муносабатлар жараёнида иштирок этиш кўникма ва малакалари шаклланмаганлиги боис одамлар ҳаётига мослаша олмайди.

Бола ёшлигидан ўйин, меҳнат ва ўқиш фаолиятларини тенгдошлари билан биргаликда ташкил этиш асосида ижтимоий муҳитга мослаша боради. Ижтимоий муҳит болага борликни англаш учунгина эмас, балки ўзлигини англаш учун ҳам имконият яратади. Боланинг доимий равишда жамоа орасида бўлиши, унинг жамоа таъсирида шаклланиши унда ижтимоий фаолликни юзага келтиради.

Шарқ мутафаккирлари жамоанинг шахс камолотини таъминлашдаги ўрни ва ролига алоҳида эътибор берганлар. Хусусан, Абу Али ибн Сино ижтимоий муҳитнинг шахсни шакллантиришдаги ролини юқори баҳолайди. Ташқи муҳит ва одамлар инсоннинг борлиқ, унда кечаётган ўзгаришлар, жараёнлар моҳиятини англашгагина эмас, балки унинг хулқида яхши ва ёмон сифатларнинг шаклланишига ҳам сезиларли таъсир этиши, шу боис болаларни тарбиялашда у мансуб бўлган микромуҳит хусусиятини инобатга олишни таъкидлайди. Болани ёмон таъсирлардан саклаш зарурлигини уқтиради.

Абу Наср Форобийнинг уқтиришча, инсон бошқалар билан муносабатда бўлиш, уларнинг ёрдами ва қўллаб-қувватлашларини ҳис этиш эҳтиёжига эга. Ана шу эҳтиёжни қондириш йўлидаги амалий ҳаракатлар инсонни камолотга етаклайди, деб ҳисоблайди. Абу Райҳон Беруний эса шахснинг ривожланишида ўзаро ёрдам, ҳамкорлик, одамларга нисбатан хайрихоҳлик унинг ижтимоий муҳитдаги роли ва ўрнини белгилаб беради.

Шахс ижтимоий муносабатлар жараёнида шаклланади. Чунки таълим жараёнида болаларга жамиятда бирга яшаш билан боғлиқ бўлган ҳолат ва ҳодисалар ўргатилади. Бу жараёнда ўқувчи жамиятга «киришади» ва у билан

ўзаро муносабатда бўлади. Улар маълум ижтимоий тажриба (билим, қадрият, ахлоқий қоида, кўрсатма) орттирадилар, яъни, ижтимоийлашадилар.

Инсоннинг ижтимоий фаоллиги, қобилияти барча муваффақиятларининг гаровидир. Чунки ҳар бир инсон ўз меҳнати, ғайрати, интилиши билангина фаоллашади. Ўқитувчи қанчалик яхши ўқитмасин ёки тарбия бермасин, тарбияланувчининг ўзи ҳаракат қилмаса, ривожланиш муваффақиятли кечмайди. Зеро, барча маънавий-ахлоқий камчиликларнинг асосий сабаби ҳам инсоннинг ўз фаолиятини тўғри йўлга қўймаганлигидадир. Шунинг учун ҳам инсон фаолияти унинг ривожланиши натижаси ҳамдир. Демак, шахс фаоллиги асосида ижтимоий фаоллик, ташаббускорлик, ижодкорлик хислатларини шакллантириш, инсонийлаштириш – унинг шахслик имкониятларини намоён этиши орқали фаолиятини ривожлантириш муҳим саналади.

Бир неча неча йиллардан буён педагогика фанида ўқувчини инсонийлаштириш, унинг ўзи ва жамият учун зарур бўлган шахс қобилиятларини ривожлантириш, индивидуал инсон турмуш тарзининг маданият билан ўзаро бирлаштиришга доир таълим муаммоси муҳокама қилиб келинмоқда. Таълим мақсадларининг бу тарзида ифодаланиши сўнгги йилларда ўқувчилар онгини янада ривожлантиришга йўналтирилган педагогик инновацияларни аниқлаштиришга олиб келди. Таълимни “инсонийлаштириш” жараёни таълим олувчининг шахсини асосий ўринга олиб чиқувчи, унда мустақилликни шакллантириш, педагог ва ўқувчи ўртасида инсонпарварлик, ўзаро ишончни қарор топтирувчи ғояларига асосланган маҳаллий ва хорижий педагогик назарияларни янада ривожлантиришга боғлиқ.

Мазкур жараённинг асосий кўринишларидан бири бола шахси омилининг юқори босқичга кўтарилишини таъминлайдиган педагог ва таълим олувчиларнинг ўзаро ҳамкорликдаги ўқув фаолиятларини шахсга йўналтириш саналади. Бинобарин, таълим олувчи шахсини ҳурмат қилиш ва таълим мазмунида унинг маънавий имкониятларини рўёбга чиқариш, жаҳон маданияти билан уйғунлаштириш тамойили ижтимоий тажрибанинг муҳим жиҳати сифатида эътироф этилмоқда. Шунга кўра таълим, шу жумладан, ўқитиш, тарбиялаш ҳамда ривожлантириш жараёни ижтимоий тажрибанинг шахсий тажрибага айланишни, таълим олувчи томонидан кишилик маданиятини тўлақонли ўзлаштирилишини таъминловчи мақсадли таълим бўлишини кафолатлайди.

Инсонпарварлик ғояларини ифодаловчи таълим натижаси атрофдагилар билан ҳамдард бўла оладиган, маънавий-ахлоқий кадриятларни эркин танлаш, шахсий интеллектуал қобилиятни ўстиришга интилувчи, ўзини ҳамда бошқаларни ҳурмат қиладиган, ўзга маданият ва миллат вакилларига нисбатан тоқатли (толерант), тасодифан билдирилаётган фикрларни муҳокама ҳамда қабул қилишда очиқ, шу билан бирга мустақил шахс шаклланишини таъминлай олиши лозим.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида таълим мазмунини ифодаловчи асослари узок ўтмишга бориб тақаладиган турли концепциялар мавжуд. Уларнинг ҳар бири негизида шахснинг жаҳонда ва жамиятда тутган ўрни ҳамда ролини ёритувчи тасаввур, тушунчалар ётади. Демократия ва инсонпарварлик ғояларининг юзага келиш манбаи, бир томондан, авторитар ёндашувни, иккинчи томондан эса, шахснинг жамиятда тутган ўрнига баҳо берадиган турлича қарашларнинг туғилишини таъминлайди. Шу ўринда қуйидагича савол туғилади: инсон фаолият кўрсатар экан, у давлат учун мақсад ва воситами? Ёки аксинча, давлат инсон учун мақсад ва воситами?

Хатто, назарий ва амалий жиҳатдан ҳам инсоннинг ижтимоий ривожланиш мақсади эмас, балки воситаси сифатида қабул қилиниши инсонпарварлик ғояларидан узоқлаштиради.

Таълим мазмунини бу тарзида тушунилиши таълим муассасалари ўқувчилари олдида асосий илмий билимларни шакллантириш ва уларни амалиётга татбиқ этиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадини кўяди. Бундай билимлар ҳажмини ўзлаштирган шахс ишлаб чиқариш воситалари орасида “асосий ишчи кучи” сифатида намоён бўлади. Ўзида бундай мазмунини ифодалаган таълим технократик ёки сценистик (юксак маданий кадриятлар борасидаги билим ва методларни ёритувчи дунёқараш) хусусият касб этади. Сценистик ғоялар фанларнинг кишилиқ жамияти маданияти тизимидаги ролини мутлоқлаштиради.

Таълим мазмунининг бундай тавсифланиши ўзлаштириладиган билим, кўникма ҳамда малакаларнинг хусусиятларини очиқ бермайди, зеро, бунда кишилиқ маданиятининг барча таркибий қисмлари таҳлил қилинмайди. Асосий фанлар бўйича билим ва кўникмаларни ўзлаштириш шахсга мавжуд ижтимоий тузилмада тўлақонли ҳаёт кечириш ва ҳаракатланиш имконини беради. Шу боис бундай ҳолатда таълим мазмунига нисбатан қуйидаги талабни қўйиш мақсадга мувофиқдир: таълим олувчиларга тиллар, математика, физика ва бошқа ўқув предметлари бўйича билим, кўникма ва

малакаларни узатиш зарур ва етарли. Бироқ, таълимни бундай тор доирада тушуниш хато саналади.

Бунга кўра таълим ижтимоий педагогикага ва инсон тажрибасига мослашиб дунё маданиятини тизимини ҳисобга олади.

Мавжуд манбалар билан танишиш, инсон шахсини тадқиқ қилишга турли нуқтаи-назардан ёндашув мавжудлигини ва унинг моҳияти турлича эканлиги аниқланди.

Маълумки, ҳар бир давр ўзининг муҳим ҳаётий шароитлари, эҳтиёжлари ва фаолияти, ўзига хос қарама-қаршиликлари, психикасининг сифат хусусиятлари ва психик жихатдан характерли янги сифатларнинг ҳосил бўлиши билан ажралиб туради. Ҳар бир давр ўздан олдинги давр томонидан тайёрланиб, унинг асосида шаклланиши ва ўз навбатида, ўздан кейинги даврнинг пайдо бўлиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ўқув фаолияти бу шундай фаолиятки, унда шахсининг психик жараёнлари шаклланади ва ривожланади, унинг асосида янги фаолиятлар юзага келади. Ўқув фаолияти инсоннинг бутун ҳаёти давомида намоён булувчи узлуксиз жараёндир. Рус психологи А.Н.Леонтьев инсон фаолиятининг психик ва амалий шакллари мавжудлигини, бола онги айнан ўқув фаолиятида ўсишини таъкидлайди.

Д.Б.Эльконин эса ўқув фаолиятининг хусусиятларини кўрсатиб, уни моҳиятига, мазмунига ва ўзини намоён бўлиш шаклига кўра ижтимоийлигини таъкидлайди.

Ўқув фаолияти бу шундай фаолиятки, унинг натижасида аввало ўқувчида ўзгариш юз беради. Унинг маҳсули турли мотивлар асосида, қурилган бўлиши даркор. Бу мотивлар бевосита ўқувчи шахсининг ўсиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлиши керак. Ўқув фаолияти таълим, ўқиш ва ўрганиш деган тушунчалар билан бевосита боғлиқдир. Таълим ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигидаги ўқув фаолияти, ўқитувчининг билим, кўникма ва малакаларини ўқувчиларга ўргатиш жараёндир. Таълим жараёни бевосита муайян ахборотни, ҳаракатларни, хулқатворнинг шакллариини ўзлаштиришга қаратилгандир. Ўқиш ва ўргатиш тушунчалари ўқув фаолияти билан боғлиқ бўлиб, улар билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга, ўргатишга хизмат қилади.

Педагогик технология ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари билан ўзаро боғлиқ равишда шаклланиб ва ривожланиб бориши натижасида турлича кўринишларда намоён бўлади. Булар педагогик технологиянинг қуйидаги

кўринишларидан иборат: ижтимоий ҳодиса, назарий фан, ўқув фани, таълим-тарбия тизими, жараёни, педагогик фаолият ва унинг методикалари ҳамда алоқадор фанларнинг илмий тадқиқот соҳаси.

Педагогик технология ижтимоий ҳодиса сифатида таълим-тарбия масалалари билан боғлиқ, мотивлар: эҳтиёж, талаб, манфаат, қизиқиш, мақсадлардан келиб чиқади ва уларни амалга ошириш учун хизмат килади. Шу билан бирга, худди шундай мотивлар ҳар бир шахсда, оилада ҳам мавжуд. Жамият ҳар бир аъзосининг билим даражаси ортиб бориши шу жамият ва давлат ривожининг энг асосий шартларидан ҳисобланади.

Бу шартнинг бажарилиши эса, ўз навбатида, педагогик технологиянинг канчалик юқори даражада эканлигига боғлиқ. Бундан эса педагогик технология шахс, оила, жамият, давлат ҳаётида муҳим аҳамиятга эга ижтимоий ҳодиса эканлиги кўринади.

Педагогик технологиянинг психологик асоси психология фанининг илмий хулосалари ва тавсиялари билан белгиланади. Улардан таълим-тарбия жараёнида тўғри фойдаланиш орқалигина кутилган натижага эришиш мумкин. Шу сабабли педагогик технология психология қонунларини тўлиқ ҳисобга олиши талаб қилинади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, таълимнинг ҳар бир босқичида тегишли ёш психологияси хусусиятларига мослаштирилган педагогик технологиялар қўлланилади. Ҳар бир босқичда тегишли даражадаги билим ва тарбия берилди. Бу масалаларни ўрганиш билан педагогик психология фани шуғулланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, 23.09.2020 йилдаги ЎРҚ-637-сон.
2. «Умумий ўрта таълим тўғрисида низом». Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сон қарори
3. Хурвалиева Т.Л. Мактаб амалиётчи-психологлари малакаларини оширишнинг педагогик шарт-шароитлари (илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш мисолида): Пед.фанл.номз. ... дисс. – Т.: 2008. – 167 б.
4. Ганиева М.А., Файзуллаева Д.М. Кейс-стади ўқитишнинг педагогик технологиялари тўплами / Мет.қўл. «Ўртамаҳсус, касб-хунар

таълими тизимида инновацион технологиялар” сериясидан. – Т.: ТДИУ, 2013. – 95 б.

5. Гершунский Б. С. Прогностические методы в педагогике. М., Просвещение, 2001.

6. Разумовский В.Г. «Инновации в преподавании физики в школах за рубежом». Новосибирск: РИД НГУ., 2005.

7. Олимов Қ.Т. Педагогик технологиялар. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2011. – 275 б.

8. Авлиякулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Модулли ўқитиш технологиялари. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2007. – 97 б.

9. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар / Амалий тавсиялар. – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.

10. В.Г. «Инновации в преподавании физики в школах за рубежом». Новосибирск: РИД НГУ., 2005.